

**6-мавзу:**

**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУХОФАЗА  
ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ**

**(8 СОАТ)**

**РЕЖА:**

- 1. Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби.**
- 2. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари.**
- 3. . Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга ошириш тартиби.**
- 4. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар.**

**6-мавзу. 1-маъруза:**  
**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУХОФАЗА**  
**ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ**  
**ТУШУНЧАСИ**

**РЕЖА:**

- 1. Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни.**
- 2. Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади, тартиби ва функциялари.**
- 3. Ерларни муҳофаза қилишни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.**

# **Маъруза машғулотини ўтиш технологияси**

<i>Талабалар сони :100</i>	6-Мавзу, 1-маъруза. 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмунни.</li><li>Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади ва функциялари.</li><li>Ерларни муҳофаза қилишни амалга ошириш манбалари.</li></ol>
<i>Машғулотнинг мақсади: Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"><li>Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмунни тўғрисида тушунчалар беради.</li><li>Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади ва функциялари тўғрисида тушунчалар беради.</li><li>Ерларни муҳофаза қилишни амалга ошириш манбаларитўғрисида тушунчалар беради.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмунни тўғрисида тассавурга эга бўлади.</li><li>Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади ва функциялари тўғрисида тассавурга эга бўлади.</li><li>Ерларни муҳофаза қилишни амалга ошириш манбалари тўғрисида тассавурга эга бўлади.</li></ol>
<i>Ўқитиши услуби ва техникаси</i>	намойиш, ақлий хужум,
<i>Ўқитиши воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиши шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитишишарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза -ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.  2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.  Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.  2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.  3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар  Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар  Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласди. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.  3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар  Топшириқни ёзиб оладилар

# **МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР**

## **Асосий:**

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. **Land Law: Text, Cases, and Materials.** OUP Oxford, 2012
- 2.М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи..**Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан.** Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. **Ер ҳуқуқи.** Ўқув қўлланма.– Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. **Земельное право.**Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
- 6.М.Mirzaabdullaeva, A.Muqutov, Z.Xafizova. **Yer huquqi**, О'кув оқувланма.- Т.:TIMI,2016.-196 b

## **Қўшимча:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон,Т.:1998
- 2 Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида, Жиноий жавобгарлик тўғрисида” кодекслари.
3. Ўзбекистон республикасининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратига оид қонуности ҳужжатлари.

## **Интернет ресурслари**

1. [http:// www.colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. <http://www.Lex.uz>

# **Ўтилган мавзуни такрорлаш учун блиц-саволлар**

- 1.Давлат ер кадастрини қайси органлар юритади?**
- 2. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш қайси органнинг ваколатига киради?**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш қайси органнинг ваколатига киради?**
- 4.Ер кадастрига оид ахборот тизими қандай максадлардаги маълумотларни ўз ичига олади?**

## **Ерларни мухофаза қилиш билан боғлиқ масалаларнинг долзарбилиги нималарда намоён бўлади?**

Ердан оқилона ва самарали, илмий асосланган тарзда фойдаланиш заруратини энг аввало унинг инсон ҳаётида тутган ўрни, аҳамиятлилик даражаси билан баҳолаш мумкин. Ер қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаси бўлишдан ташқари юридик шахслар учун операцион базис, фуқаролар учун эса яшаш макони, кўп жиҳатдан уларнинг ижтимоий меҳнатини ташкил этиш асоси вазифасини бажаради. Ердан оқилона фойдаланиш фуқароларнинг турмуш даражасини оширишга, фаровонлигини кўтаришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, ер мамлакатнинг келажагини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасининг ер, экология қонунчилиги тизимида ердан оқилона фойдаланиш ҳамда ернинг давлат томонидан муҳофаза этилишига оид кўплаб нормалар ўз ифодасини топган. Ушбу нормаларни қонунчиликда белгилаш зарурати айниқса мамлакатимизда аҳоли сонининг кундан кунга кўпаяётганлиги, ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлиги, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан давлатнинг ерга оид сиёсатида муҳим ўзгаришлар юз берганлиги билан изоҳланади.

## **Ерларни мухофаза қилиш билан боғлиқ масалаларнинг долзарбилиги нималарда намоён бўлади?**

Ерларни мухофаза қилишнинг ўта муҳимлиги ва долзарбилиги республика аҳолисининг йилдан-йилга тез ўсиб бориши оқибатида жон бошига ҳисоблагандা суғориладиган ер майдонлари камайиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунончи, республикамиизда бу кўрсатгич 70-йилларда **0,4 гектар**, 80-йилларда **0,2 гектар**дан тўғри келган бўлса, ҳозирги вақтда эса бу кўрсаткич янада пасайиб **0,12 гектарни** ташкил этади. Бундан ташқари иқтисодиёт тармоқлари: саноат, транспорт, алоқа ва бошқа тармоқлари билан боғлиқ қурилишлар учун ажратиладиган ер майдонлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу ҳолатлар ҳам ерларни мухофаза қилиш масалалари долзарб эканлигини билдиради.

## ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР

Ерларни муҳофаза қилиш тўғрисида сўз борганда «**ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш**» ва «**ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш**» деган тушунчаларни бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, **ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш** деганда **ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш**, яъни **ердан фойдаланувчиларнинг ер муносабатлари бўйича субъектив ҳуқуқ ваколатларини амалга оширишга тўскىнлик қилишни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар йигиндиси** тушунилса, **ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш** деганда эса, **ердан оқилона фойдаланиш**, уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан асоссиз равишда олинишининг олдини олиш, зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, **ерларининг самарадорлигини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар йигиндиси** тушунилади.

# ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАЗМУНИ

Ер кодекси 79-модда

Ердан оқилона ва самарали, илмий асосланган тарзда фойдаланиш заруратини энг аввало унинг инсон ҳаётида тутган ўрни, аҳамиятлилик даражаси билан баҳолаш мумкин. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси бўлишдан ташқари юридик шахслар учун операцион базис, фуқаролар учун эса яшаш макони, кўп жиҳатдан уларнинг ижтимоий меҳнатини ташкил этиш асоси вазифасини бажаради. Ердан оқилона фойдаланиш фуқароларнинг турмуш даражасини оширишга, фаровонлигини кўтаришга хизмат қилади.

**Ерларни муҳофаза қилиш** улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни заарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади.

# ЕРЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАЗМУНИ

Ер кодекси 79-модда

Ерларни ҳудудий муҳофаза қилиш ўзида ер ҳудудидан оқилона фойдаланиш ҳамда ерларда асоссиз қўшимча антропоген ишлар олиб боришга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирларни қамраб олади. Ушбу функцияning моҳияти хўжалик муомаласига имкон борича камроқ ер ҳудудлари жалб этилишида ифодаланади. Ерларни ландшафт муҳофаза қилиш илмий, экологик, тарихий-маданий, рекреацион, хўжалик нуқтаи-назаридан қимматли бўлган ер рельф жойлашувини сақлаб қолишини ифодалайди. Ерларни функционал муҳофаза қилиш унда ҳудудий-чегаравий база сифатида конкрет объектларни жойлаштиришини назарда тутади. Бугунги кунда давлатимизда аграп муносабатлар соҳасида испоҳотлар амалга оширилаётган шароитда ер ресурсларини муҳофаза қилиш муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилишдан олдин ерларни муҳофаза қилиш, ерлардан фойдаланиш, ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш каби тушунчаларни таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Чунки юридик адабиётларда ушбу терминлар ва тушунчаларга турлича ҳуқуқий баҳо берилган. “Ерларни муҳофаза қилиш” биринчидан, давлатнинг ерга оид сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида; иккинчидан, ер-ҳуқуқий муносабатларининг мустақил таркибий қисми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг хар йилги якунлари бўйича ҳисоботида ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишда ҳар бир тоифа ернинг ҳуқуқий режимига алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланган бўлиб, ҳар бир тоифа ерларнинг ҳуқуқий режимига бўлган эътиборнинг аҳамиятини оширади.

# ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАЗМУНИ

Ер кодекси 79-модда

Табиий ресурсларининг муҳим таркибий қисми сифатида ерларни муҳофаза қилиш деганда, ерларнинг табиий ҳолатини тиклаш, яхшилаш, унумдорлигини ошириш, антропоген характердаги турли хўжалик таъсирларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими тушунилади. Ерларни муҳофаза қилиш – ерларнинг ҳолатини сақлаш, тиклаш ва ерга зарар етказадиган антропоген таъсирларни олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимиdir.

Шуни таъкидлаш лозимки, ерларни муҳофаза қилиш ўз навбатида ерлардан фойдаланиш тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида ерларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва ерлардан фойдаланиш ҳуқуқига бир-бирини тўлдириб турувчи ўзаро узвий боғлиқ икки категория сифатида қаралади.

Ерларни муҳофаза қилиш, улардан унумли фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўз навбатида бир қатор хусусиятларга ҳам эгадир. Шунинг учун, ерлардан фойдаланиш деганда, ер ресурсларининг фойдали элементлари хоссаларидан жамият аъзоларининг турли ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар тизими тушунилади, деган хulosага келишимиз мумкин.

# ЕРЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАЗМУНИ

## Ер кодекси 79-модда

Ерлардан фойдаланиш асосида уларнинг органик тизимининг емирилиши, ёмонлашиши, минерал моддаларининг камайиши сифат кўрсаткичларига заарли таъсир этади. Шунинг учун ерлардан фойдаланиш жараёнида фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқадиган қоида-талаблар ўрнатилади. Ушбу қоида-талаблар ердан фойдаланиш қоида-талаблари деб юритилади.

Ерлардан фойдаланиш ҳар бир жамият аъзосининг муҳим заруриятларидан бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам ерлардан фойдаланиш тартиби, муддати тамойиллари мавжуд бўлиб, улар ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг асосини белгилайди.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати деганда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, тиклаш ва ерларнинг ҳолатига таъсир этувчи антропоген омилларни олдини олиш, бартараф этиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган қоида-талаблар тизими тушунилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ерни муҳофаза қилиш ва ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчалари қатъий ажратилмаган ва фарқланмаган. Уларда ерни муҳофаза қилиш кенгроқ тушунча сифатида қаралиб, бу тизимга нафақат ҳуқуқий, балки бошқа ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган ташкилий, иқтисодий, технологик тадбирлар ва воситалар ҳам киритилган. Бизнингча, илмий адабиётларда ва тегишли қонунчиликда ерни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий жиҳатларигина эътиборга олиниши лозим. Чунки бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий муносабатлар бошқа ижтимоий ва техник нормалар билан эмас, балки фақат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинишлiği мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб, ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, ҳуқуқ нормаларида ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва шартларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаб қўйиш, ер муносабатларида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳамда атроф табиий муҳит ва табиатнинг бошқа унсурлари билан ернинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, ундан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизимини тушунуниш керак..

## **Ерларни муҳофаза қилиш қайси қонунчиллик ҳужжатлари меъёрлари билан тартибга солинади?**

Ерларни муҳофаза қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар на фақат ер ҳуқуқи меъёрлари билан балки бошқа ҳуқуқ соҳалари меъёрлари билан ҳам тартибга солинади. Масалан, **конституциявий ҳуқуқ меъёрларида фуқаролар табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари шартлигини ўрнатади** (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси). Шунингдек ерларни муҳофаза қилишга бағишлиланган меъёрларни Ўзбекистон республикасининг **“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**, **“Фермер хўжалиги тўғрисида”** қонунларида, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексларда ҳам кўриш мумкин.

## **ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ?**

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати “**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**” Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳамда Адлия вазирлигига 2001 йил 26 апрелда 1029 рақами билан рўйхатдан ўtkazilgan “**Назорат органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида**” Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи № ПФ-3226 сонли “**Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида**” ҳамда 2004 йил 11 мартағи N ПФ-3406 сонли “**Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**” Фармонларида ҳам қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишнинг асосий талаблари ўз ифодасини топган.

# **ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ?**

Хусусан, “**Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”

Фармонда ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш; ерлардан мақсадли ва асрабавайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда дехқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳудудий прокуратураларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига 2-илова “**Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида**” Низомда ҳам тартибга солинган. Ушбу Низомга мувофиқ, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади ҳамда уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.



**Ўзбекистон  
Республикаси ер  
кодексида ерларни  
муҳофаза қилиш  
масалалари қандай  
меъёрларни  
ўрнатиш орқали  
белгиланади?**

79-модда. Ерларни муҳофаза  
килишнинг мазмунин ва тартибини  
белгилаш орқали

80-моддада. Объектлар, иморатлар ва  
иншиоотларни жойлаштириш,  
лойихалаш, куриш ва улардан  
фойдаланишга оид экологик  
талабларни ўрнатиш орқали

81-моддада Кимёвий ёки радиоактив  
моддалар билан ифлосланган  
ерлардан фойдаланиш меъёрларини  
белгилаш орқали

82-моддада. Ерлардан окилона  
фойдаланишни ва уларни муҳофаза  
килишни иктисодий рагбатлантириш  
меъёрларини белгилаш орқали

## **Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойихалаш, куриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар**

ЕК 80-модда

Саноат, коммунал ва омборхона объектларининг санитария-муҳофаза зонасида уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш объектлари, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, боғдорчиллик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари жойлаштирилишига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилишига йўл қўйилмайди.

Шаҳарсозлик кодексининг 52-моддасига мувофиқ, шаҳарлар атрофида шаҳар атрофи зонаси ташкил этилади. Шаҳар атрофи зоналарида санитария ва рекреацион вазифаларни бажарадиган кўкаламзор зоналар ажратилади. Кўкаламзор зоналарда атроф мұхитга заарли таъсир кўрсатадиган хўжалик ва бошқа хил фаолият олиб бориш тақиқланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шаҳарсозлик кодексида санитария муҳофаза зоналарини ташкил этиш имконияти кўзда тутилган бўлса-да, ушбу зоналарни белгилаш, уларнинг миқдорларини аниқлашга қаратилган қатъий талаблар киритилмаган.

Аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш тегралари шаҳар атрофидаги ўрмонлар, ўрмонпарк ҳимоя тегралари, аҳоли яшайдиган ва саноат зоналарининг санитар муҳофаза зоналари шаклида белгиланади. Бу зоналар экологик, санитар-гигиеник, рекреация-соғломлаштириш вазифаларини бажаради. Ушбу ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, ушбу жойларда ўсимлик дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган барча фаолият тақиқланади.

**Ўзбекистон  
Республикаси  
ер  
кодексининг  
80-моддасига  
кўра ерларни  
муҳофаза  
қилиш  
соҳасида  
меъёрларни 2  
та асосий  
йўналишларга  
ажратиш  
керак:**

**Биринчиси**, саноат, уй-жой қурилиши,  
фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта  
ишлаш учун ҳамда бошқа мақсадларда  
ерларни ажратиб беришни тартибга солиш  
йўли билан ер фондидан оқилона  
фойдаланишни таъминлаш

**Иккинчиси**, инсонларнинг ишлаб чиқариш  
фаолияти натижасида рекультивация  
орқали бузилган ерларнинг ҳолатини  
яхшилаш. Ерлардан фойдаланиш ва  
уларни муҳофаза қилиш соҳасида асосий  
қоидалар, комплекс стандартларнинг  
мазмuni ва таркибиغا нисбатан талаблар  
ҳудудларнинг экологик ва иқтисодий  
имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ер  
фондидан тизимли равишда  
фойдаланишни таъминлаш мақсадида  
белгиланади

# Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш

ЕК 82-модда

Маълумки, инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган техноген ифлосланиш ёки қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган кимёвий моддалар натижасида тупроқда кўпчилик заарли моддалар йиғилади. Кимёвий моддаларни кенг қўллаш ижобий самара бериши билан бир қаторда, бир неча салбий ҳолатларга ҳам олиб келади, Барча кимёвий моддалар тупроққа тушганидан сўнг унда тўпланади, маълум бир шароитда эса миграция қилиб ер ости сувларига ёки ўсимликлар ичига тушади. Натижада инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Буни бартараф этиш мақсадида тупроқнинг ифлосланиш даражаси ўрганилади ва санитар-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Бугунги кунда, илмий жиҳатдан асосланиш натижасида тупроқда 22 та модда учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари белгиланди (16 пестицидлар, кўрошин, симоб, хром ва бошқа заарли моддалар бўйича белгиланди). Пестицид қолдиқларининг тупроқ, сув, ҳаво ва ўсимликларда тўпланиши ҳамда айланиши кейинчалик олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларга, инсон ва ҳайвонларга заарли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун агрокимёвий хизмат ташкил қилишда пестицидларнинг тўпланишига йўл қўймайдиган уларни қўллаш регламентлари ва меъёрларини белгилаш ҳамда ердан фойдаланувчилар томонидан пестицидларни қўлланилишини назорат қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

# Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш

ЕК 82-модда

Ҳар турдаги пестицидларнинг ҳар хил турдаги тупроқлардаги қолдигини назорат қилишнинг ягона услуги мавжуд эмас ва уни яратиб бўлмайди. Аммо, экологик хавфлилик даражасини аниқлашга оид ягона талаблар қўйилиши зарур. Ушбу масалани пестицид қолдиқларини аниқлаш бўйича услублар стандартларини тасдиқлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Бундан ташқари, кимёвий моддалар нафақат тупроқнинг ҳосилдорлигини оширади, балки уни зааркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қиласди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг сифати сақлаб қолинишини таъминлайди. Пестицидларга белгиланган стандартлардаги талаблар қўйидагилардан иборат: қишлоқ хўжалигида қўллаш имкониятини яратадиган инсон ва ҳайвонлар учун кам токсиклиги; ташки муҳитнинг оддий шароитларида бир вегетацион даврда инсон ва ҳайвонлар учун зарарсиз моддаларга парчаланиш хусусиятига эга бўлиши; қўллаш, сақлаш ва ташиш қулайлигига эга бўлиши; қўллашда юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлиши. Масалан, қишлоқ хўжалигида факат руҳсат этилган кимёвий моддаларни белгиланган миқдорларда қўллаш мумкин. Тупроқни ифлослантирувчи ва инсон саломатлигига хавфлилигидан келиб чиқиб ифлослантирувчи моддаларни учта синфга ажратиш таклиф қилинган. 1-чи синф – юқори хавфли, 2-чи синф – ўртача хавфли, 3-чи синф кам хавфли моддалар. Синflарга мансублигини аниқлашда токсиклиги, сақланиб қолиш муддати, сувга, ҳавога, ўсимликларга ўтиб кетиш даражаси, озиқ-овқатларнинг ҳолатига таъсир кўрсатиши каби хусусиятлар инобатга олиниши лозим.

**Ер кодексининг  
82-моддасида  
Ерлардан  
оқилона  
фойдаланишни  
ва уларни  
муҳофаза  
қилишни  
иқтисодий  
рағбатлантиришн  
инг қуидаги  
шакллари тавсия  
қилинган:**

камчиқитли ва чиқитсиз технология ва ишлаб чиқаришни жорий этган, ҳосила ресурслардан фойдаланадиган ёки табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини таъминловчи фаолият билан шуғулланувчи давлат ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотга нисбатан солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар белгилаш

экологик жамғармаларни солиқча тортишдан озод этиш

экологик жамғармалар маблағлари бир қисмини жисмоний ёки юридик шахсларга ифлослантирувчи модда чиқиндиilarни чиқариш ва жойлаштириш даражасини камайтиришни таъминловчи чораларни амалга ошириш учун шартнома асосида ажратиш

**Ер кодексининг  
82-моддасида  
Ерлардан  
оқилона  
фойдаланишни  
ва уларни  
муҳофаза  
қилишни  
иқтисодий  
рағбатлантириш  
нинг қуидаги  
шакллари тавсия  
қилинган:**

экологик тоза маҳсулотларга нисбатан устама  
ҳақ ўрнатиш

асосий ишлаб чиқариш фондлари учун  
юқори амортизация нормалари белгилаш

экологик заарли маҳсулотларга, шунингдек,  
экологик хавфли технологиялар ёрдамида  
ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга  
нисбатан маҳсус солиқقا тортиш тизимини  
жорий этиш

мулк шаклидан қатъи назар атроф табиий  
муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини  
самарали амалга ошираётган корхона,  
муассаса, ташкилотларга нисбатан  
имтиёзли кредит бериш тизимини қўллаш.

**Иқтисодий  
рағбатлантириш  
тизимлари  
қуидагиларни  
күзда тутади:**

**бир томондан**, солиқقا  
тортиш, имтиёзлар бериш,  
акциз соҳасида маҳсус  
сиёsatни амалга ошириш,  
кредитлаш ва ҳ.к. йўллар  
билин таъминланади

**иккинчи томондан**,  
экологик заарли маҳсулот  
ва экологик хавфли  
технологиялар асосида  
ишлаб чиқилган  
маҳсулотлар бўйича маҳсус  
солиқقا тортиш тизимини  
назарда тутади

**Ер кодексининг  
82-моддасида  
ерлардан  
оқилона  
фойдаланишни  
ва уларни  
муҳофаза  
қилишни  
иқтисодий  
рағбатлантири  
ш тартиби  
белгиланган:**

янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиги бўйича имтиёзлар бериш

ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга камчиқит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш

ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш ва бошқа тадбирлар

# Уйга вазифа !!!!!

Ўзбекистон республикасининг қуидаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлари таркиби ва мазмуни билан танишиш:

1.Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 11 ва 12 боблари моддалари шархлари.

2.Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2005 йил 16.02.да қабул қилинган 66-сон қарорига 2-ИЛОВА “ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМ”

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги 5065-сонли Фармони “ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА”.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги 5199-сонли Фармони “ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА”.